

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ФИКРЛАШ ҚОБИЛИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Календарова З

Қоқон университети ўқитувчи

**Аннотация:** Ушбу мақолада бошланғич таълим мазмунини ёритувчи меңерий хужжатларда белгиланган талабларнинг бажарилиши, фикрлаш қобилиятини шакллантиришга йўналтирилган замонавий методикаларни такомиллаштириш, ижодкор ўқувчи шахсини тарбиялаш ҳамда уларда ижодий фикрлаш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш, дарс жараёнидаги таълимий-тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифалар, ўқувчиларда зарурий билим, қўникма ва малакалар шаклланиш, ижодий фикрлаш, мустақил ишлаш қўникмаларини ва фикрлаш қобилиятни ривожлантириш ва жисмонан баркамол авлодни вояга етказиш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотлар ҳақида сўз борилади.

**Калит сўзлар:** Диққат, қузатувчанлик, мотивация, ижодий фикрлаш, танқидий фикрлаш, дарслеклар, билим, малака, қўникма, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурлар, мультимедиа ва инновацион лойиҳалар, ижодкорлик.

Бошланғич таълимда инновацияларни татбиқ этишнинг аҳамияти таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий моҳияти таълим мазмуни ва шаклини такомиллаштиришга қаратилган. Фан-техника тараққиёти, жамиятимизнинг демократлашуви, хозирги кунда ахборот коммуникацион технологиялардан ва интерфаол методлардан фойдаланишининг ошиб бориши боланинг шахсий хусусиятларига, жумладан, идрок эта олиш, тасаввур ва фикрлаш, ақлий қобилиятларининг ривожланишига олиб келди. Боланинг оламни билишга бўлган эҳтиёжи ҳар томонлама кескин ошганлиги ҳеч кимга сир эмас. Замонавий таълим олдида турган муҳим вазифа ўқувчи шахсининг илм олишга бўлган эҳтиёжини қондиришга ва фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган.

I Президентимиз “Тарихий хотирасиз - келажак йўқ” асарида “Комил инсон деганда биз, энг аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, ўз хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўла оладиган, билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз” деб, комил инсон тушунчасига аниқ таъриф бердилар.

Таълим тизими ва мактаб олдига мақсад қилиб комил инсонни тарбиялаб вояга етказиш қўйилди. Бошланғич таълим тизимига кириб келаётган янгиланишлар унинг мазмунини, тузилишини, усусларини қайта кўриб чиқиш,

мукаммаллаштириш заруратини юзага келтиради. Ҳозирги кунда бу тизимда қўлланилаётган модул тизими, рейтинг асосида баҳолаш, педагогик технологиялар, тест синовлари шулар жумласидандир.

Ҳозирги давр ўқувчисининг дунёқараси кенг, эркин фикрловчи, воқеликка тўғри баҳо бера оловчи, ўтқир зеҳнили, мустаҳкам иродали, қисқа қилиб айтганда, юксак интеллуктуал кучга эга бўлмоғи лозим. Бунинг учун эса таълим тизимига инновацияларни таъсис этиш зарур ва шартдир. Аввало, интеграция тушунчасининг моҳиятини кўриб чиқайлик. Психологик-педагогик нуқтаи назардан қараганда, интеграция ижтимоий-психологик аспект бўлиб, бирор бир янгиликни ижтимоий соҳага тезкорлик билан татбиқ этиш ва таълим жараёнини жадаллаштириш демакдир.

Инновациялар фаолият жараёнида турли ижтимоий-психологик тўсиқларни енгиш учун шарт-шароит яратиб боради. Ушбу жараёнда мақсади, вазифаси ва қизиқишлари турлича бўлган ижтимоий групҳулар иштирок этади. Мотивациялар характеристининг типи ҳам инновацион фаолият мазмунига ва сифатига таъсир ўтказади. Бундан ташқари, инновацияларни татбиқ этиш жараёнида шахснинг йўналиши ва маънавий ахлоқий сифатлари ҳам маълум даражада аҳамият касб этади. Ўқувчиларнини янгиликлар қабул қилиш ва унда иштирок этишга тайёргарлигини шакллантириш, янгиликни қабул қилиш қобилиятини ўстириш мақсадида, билиш жараёнини фаоллаштирувчи ижтимоий-психологик усуллардан фойдаланиш лозим. Бундай усулларга психологик тренинглар, ролли ўйинлар кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Таълим тизимига киритилаётган педагогик технология жараёни ҳам инновациялар ва интеграцияларнинг ёрқин мисолидир. Қўйилаётган идентив мақсадлар, назорат топшириқларини аниқ феълларда ифодаланиши ўқувчи ақлий фаолиятининг режасини яққол кўрсатади, ўз-ўзини бошқаришнинг йўналишини белгилайди. Бу инновацион фаолликнинг аниқ кўринишига мисол бўла олади. Ақлий фаолиятни жонлаштиришда ушбу йўналиш мақсадларни белгилашга ёрдам беради. Мақсаднинг аниқлиги эса, фаолиятнинг сермаҳсуллигидир. Қачонки фаолият ўзининг ижобий натижаларини берар экан, бу айни муддаодир. Аммо, ушбу жараённи ташкил этишда ўқувчилар ўқув фаолиятига таъсир қилувчи ижобий ва салбий омиллар туркуми мавжуд, улар:

- таълим муассасаларида замонавий техник воситалар ва асборларнинг мавжудлиги;
- турли тўгарак, марказ, билим уйлари фаолият кўрсатиши ва уларда қатнашиш имкониятининг мавжудлиги;
- оила муҳитида яратилган моддий ва маънавий шарт-шароитлар ҳамда шахсларнинг руҳий рағбатланиши йўлга қўйилганлиги;

- шахслар билан ўзаро мулоқотлар ўрнатилишининг узлуксизлиги ва оиласда шахсларапо илиқ психологияк мухитнинг хукм суриши;
- турли телевизион кўргазмалар, баҳслар, тортишувлар, зукколик, ижодкорлик, тезкорлик бўйича мусобақалар уюштирилиши ва уларда қатнашиш, иштирок этиш имконияти яратилганлиги;
- ортиқча информация, хабарлар кўламини камайтириш (масалан, видеофильмлар, автомат ўйинлари каби);
- ўқувчиларни рўзғор ишлари билан банд қилиб қўйиш, оила мухитида меҳнатнинг шахсларапо оқилона тақсимланмаслиги ва шахсни қатъий юмуш билан шуғуланишга мажбур этилганлиги;
- ҳозирги даврда айрим касбларнинг нуфузининг камайиб кетаётганлиги ўқувчиларнинг ўқув мотивларига кучли таъсир қилаётганлиги;
- ўғил ва қизларда ватанпарварлик ва миллий ифтихор туйғуларининг бекарорлиги ва уларнинг шаклланиб улгурмаганлиги;
- болалар ўртасида борлиққа, жамиятга, шахсларапо муносабатга, исрофгарчиликка фидоийликка нисбатан лоқайдликнинг мавжудлиги ва бошқалар.

Хуроса қилиб айтганда юқоридаги ижобий омилларни кучайтириш, салбий омиллар таъсирини камайтириш ва йўқотиш чора-тадбирларини белгилаб бориш ва интеграцион жараёнда инновацион омилларга алоҳида эътибор бериш, психологик асосларини ўрганиш ҳамда таҳдил қилиб бориш зарурый шартdir.

### ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. М.Э.Жумаев, М.Ю.Юлдашева, Б.У.Мингбаева, Г.А.Маматова “Бошланғич таълимни ўқитища замонавий ёндашувлар ва инновациялар” методик услубий қўлланма-Т.2017й.
2. Ходжиева Ф.О. Ўқувчиларни ижодий фикрлашга ўргатиш ва унинг мухим жиҳатлари. Замонавий таълим / современное образование. –Т.: 2017. –Б. 6
3. G. Eshchanova (2023). SOCIOLOGY OF PRESCHOOL EDUCATION: DISTINCTIVE CHARACTERISTICS. Science and innovation, 2 (B3), 2023. 333-337. doi: 10.5281/zenodo.7764475.
4. Shamsiddinovich M. A. RAQAMLI TEKNOLOGIYALAR TALABALAR MUSTAQIL TA'LIMINI TO 'G 'RI TASHKIL ETISH OMILI SIFATIDA: Musayev Ashurali Shamsiddinovich, Yangi asr universiteti o 'qituvchisi //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2023. – №. 1. – С. 309-313.

5. Musaev A. TECHNOLOGIES FOR ORGANIZING INDEPENDENT EDUCATION OF STUDENTS IN A DIGITAL EDUCATIONAL ENVIRONMENT //International Bulletin of Applied Science and Technology. – 2023. – Т. 3. – №. 1. – С. 146-149.
6. Musaev A. TECHNOLOGIES FOR ORGANIZING INDEPENDENT EDUCATION OF STUDENTS IN A DIGITAL EDUCATIONAL ENVIRONMENT //International Bulletin of Applied Science and Technology. – 2023. – Т. 3. – №. 1. – С. 146-149.
7. Мусаев А. Ш. РАҚАМЛИ ТАЪЛИМ МУҲИТИДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ //E Conference Zone. – 2022. – С. 125-128.
8. Мусаев А. Ш. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КОМПЕТЕНТЛИ МУТАХАССИС ТАЙЁРЛАШДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИНГ ЎЗИГА ХОС ҲУСУСИЯТЛАРИ //E Conference Zone. – 2022. – С. 115-117.
9. O'tbosarovna I. Y. Improving the professional pedagogical preparation of students to interact with children's mechanisms //Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities. – 2022. – Т. 2. – №. 1.5 Pedagogical sciences.
10. Yo I. MULOQOT JARAYONIDA BOLA SHAXSINI RIJOVLANTIRISHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK JIHATLARI //Экономика и социум. – 2023. – №. 6-1 (109). – С. 165-169.
11. O'tbosarovna I. Y. Pedagogical opportunities for improving the readiness of students to interact with children //Confrencea. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 268-270.
12. Ирисбаева Ё. У. ТЕОРИЯ ДЕТСКОЙ ИГРЫ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ //Человек в современном мире: пространство и возможности для личностного роста. – 2023. – С. 26-32.
13. Ирисбаева Ё. У. СВЯЗНАЯ РЕЧЬ-ГЛАВНОЕ ДОСТИЖЕНИЕ В РЕЧЕВОМ РАЗВИТИИ ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА //Экономика и социум. – 2021. – №. 10 (89). – С. 695-698.